

ТАРИХИЙ ТАШРИФ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Франция Республикасида бўлиб турибди.



12 март куни Париждаги Фахрийлар уйида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Мамлакатимиз етакчисини Франция Президенти Эммануэль Макрон кутиб олди. Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига Франция Республика гвардияси, куруклик кўшинлари, харбий-денгиз ва харбий-хаво қучлари хизматчиларидан иборат фахрий қоровул саф тортиди.

Харбий оркестр ижросида икки мамлакат мадҳиялари янгради. Гвардиячилар давлатимиз раҳбари олдидан тантанали юриб ўтди.

Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар ва расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Сўнг давлатимиз раҳбари отлик гвардиячилар ва мотоциклчилар ҳамроҳлигида олий даражада музокара ўтказиш учун Франция Президентининг қароргоҳи – Елисей саройига йўл олди.

Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалаларини юзма-юз ва делегациялар иштирокида атрофлича муҳокама қилдилар.

Икки мамлакат етакчиларининг 2023 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган учрашуви давомида эришилган келишувлар амалга оширилган мамнуният билан кайд этилди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Ўтган йилда товар айирбошлаш ҳажми илк бор 1 миллиард евродан ошди, кўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Юртимизда Франциянинг «Orano», «EDF», «Total», «SUEZ», «Veolia», «Veolia» ва кўплаб бошқа етакчи компаниялари муваффақиятли иш олиб бормоқда. Франция тараккият агентлиги билан ҳамкорлик янги сифат касб этди, у билан янги ҳамкорлик дастури қабул қилинмоқда.

Ташрифга тайёргарлик доирасида Хукуматлараро комиссия йиғилиши ва «MEDEF» бизнес миссияси самарали ўтди. Ишбилармонлар палатаси ўз ишнини бошлади.

Шу кунларда Париж, Тулуза, Лион ва Ницца шаҳарларида ҳудудларнинг фаол иштирокида кўшма тадбирлар ўтказилмоқда. Кунга кеча кўшма тиббиёт форуми ҳамда фан ва таълим бўлими конференцияси, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданиятига бағишланган тақдиротлар ўтказилди. Грети-Арменвиль шаҳрида буюк алома Абу Райхон Беруний бисти очилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор аҳамият қаратилди.

Бу галги саммитта янги Инновация ва саноат шериклиги дастури тайёрланган. Мухим минерал ҳомаш ресурсларини казиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика, ин-

фратузилмани ривожлантириш, транспорт ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 6,5 миллиард евролик қўшма лойиҳаларни илгари суриш кўзда тутилган.

Умуман, кўшма лойиҳалар портфели 12 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда. Шу маънода, молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари узок муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон – Франция инвестиция кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи йиғилишини жорий йил июнь ойида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказишни таклиф этди.

Худудлараро алоқаларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йилда Самарқанд шаҳрида икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказишга келишиб олинди.

Етакчилар гуманитар йўналишдаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Париж шаҳрида Савицкий музейи тўпламидаги авангард асарлар кўргазмасини ташкил этиш, маданий ёдгорликларини сақлаш ва реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик учун мамлакатимизда Франция мероси институти ваколатхонасини очиб режалари қўллаб-қувватланди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Франциядан тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон – Франция университети очилиши таълим соҳасидаги асосий келишув бўлгани таъкидланди. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик давом эттирилди.

Ишбилармонлик, туризм ва маданий аламушуварини фаоллаштириш мақсадида томонлар тўғридан-тўғри авиакатновлар сонини кўпайтириш масаласини кўриб чиқадилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Кўп томонлама ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашни давом эттириш, терроризм, экстремизм, радикализм, кибер-жойнатчилик ва хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим экани таъкидланди.

Тизимли мулоқотни йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш мақсадида ташки ишлар вазири билан бошчилигида иқтисодий идораларни жалб қилган ҳолда Стратегик режалаштириш гуруҳини тузишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнаттиш тўғрисида тарихий қарорга келдилар.

Умуман, кўшма лойиҳалар портфели 12 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда. Шу маънода, молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлат ташрифи давомида куйидагилар ҳам имзоланди:

– Ўзбекистон – Франция университетини ташкил этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Реадмиссия тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Ташки ишлар вазириликларининг 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

– 2026-2030 йилларда Франция тараккият агентлиги билан ҳамкорлик дастури;

– Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация;

– Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация;

– Француз тилини ўқитишни кенгайтириш тўғрисида баённома;

– Музика, кино ва театр соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида декларация;

– Маданият ва санъатни ривожлантириш жағвармаси билан Франция Маданият вазирилик, Маданий мерос миллий институти ва Марказий Осие тадқиқотлари институти ўртасидаги ҳамкорлик битимлари;

– Тошкент ва Париж шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнаттиш тўғрисида баённома ва бошқа икки томонлама ҳужжатлар.

Елисей саройидаги олий даражадаги учрашув чоғида Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэль Макронга буюқ француз ёзувчиси Виктор Гюгониинг Ўзбек тилига таржима қилинган «Кулаётган одам» романининг илк нусхасини совға қилди.

Ушбу китоб оммавий наشرдан чиқини ва тез орада китобхоналар эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 2018 ва 2022 йилларда ушбу мамлакатга расмий ташрифлари ҳамда 2023 йилги Самарқанд саммитида ҳам Франция тадбиркорлари билан учрашган эди.

Форум ана шу очик ва конструктив мулоқотнинг давоми бўлди. Бу галги учрашув унда Ўзбекистоннинг хусусий компаниялари раҳбарлари ва вакиллари ҳам иштирок этгани билан ажралиб туради.

Тадбирда Франциянинг ташки савдо ва хориждаги француз фуқаролари ишлари бўйича вазири-делегати Лоран Сен-Мартен, Франция тараккият агентлиги бош директори Реми Риу, «MEDEF International» раҳбари – «Orano Mining» компанияси бошқаруви раиси Клод Имовен, шунингдек, икки мамлакат етакчи компаниялари, инвестиция ва банк-молия институтларининг 60 дан ортиқ раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Франция бизнеси томонидан SUEZ, Veolia, Total, EDF, Voltalia, Orano, Meridiam, Saint-Gobain, Imerys, Natixis, Societe Generale, BPI France, Airbus, MND, Eiffage, Schneider Electric, Total Energies, Alstom, Technip Energies, Egis, ADP Group, Ellipse Projects, Assystem, ATR ва бошқа компаниялар катнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Франция Президенти Эммануэль Макрон билан ўтган самарали музокараларни юксак баҳолаб, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва кўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Учрашувнинг асосий натижаси сифатида Ўзбекистон – Франция муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтариш ҳақида тарихий қарор қабул қилинди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда икки мамлакат етакчи компаниялари муҳим ўрин тутатгани кайд этилди.

Франция ишбилармон доиралари вакиллари Янги Ўзбекистондаги орта қайтмас иқтисодий ислохотлар стратегиясини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

Жорий йил январь ойида «MEDEF» таркибидagi йирик компаниялар раҳбарларининг Тошкент шаҳрига ташрифи натижалари юксак баҳоланди.

Франция компаниялари билан мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоқларида қатор кўшма лойиҳалар амалга оширилган мамнуният билан кайд этилди.

Ушбу мамлакат инвестицияларини фаол жалб этиш ва илгор технологияларни жорий этиш, Франция корхоналарининг очиллари, тўпланган қатта тажриба ва билимларини қўллашдан Ўзбекистон манфаатдор.

Ўзбекистон Президенти Франция билан савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Франция компаниялари билан 2027 йилгача бўлган даврга мўлжалланган инновация ва саноат кооперацияси дастури бунга хизмат қилади. Унга умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган аниқ йўналиш ва лойиҳалар киритилган.

Дастурни амалга ошириш доирасида Франциянинг етакчи банк ва молия ташкилотларини фаол жалб қилган ҳолда бизнес ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашни самарали воситалари кенг жорий этилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари муҳим минерал ресурсларнинг истиқболли қонларини ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари, кимё ва фармацевтика тармоқлари, электротехника саноати, қишлоқ хўжалигида замонавий ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва бошқаларни Ўзбекистон – Франция ишбилармонлик ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтди.

– Икки мамлакат компаниялари иштирокидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва жаддаллаштириш мақсадида доимий фаолият юритадиган Ўзбекистон – Франция инвестиция кенгашини таъсис этишни таклиф қиламан. Биз томондан унга ҳуқуқий аъзоси сифатида бўлажак тадбирда фаол иштирок этишга таклиф этаман, – деди давлатимиз раҳбари.

Ўз навбатида, Франция ишбилармон доиралари вакиллари ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ таклиф ва режаларини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари ишбилармон доиралар вакиллари муваффақиятлар тилаб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Ўзбекистон Хукумати томонидан тасдиқланадиган «йўл хариталари» асосида эришилган келишувлар ижроси устидан назоратни таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Ташриф доирасида Париж шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Франция Республикасининг олий мукофоти – Фахрий легион ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Юксак мукофотни давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Эммануэль Макрон тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустақамлашга қўшган улкан ҳисса учун ушбу орденга сазовор бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси мукофот учун Франция раҳбарига самимий миннатдорлик билдириб, кейинги йилларда сермахсул ҳамкорлик юксак натижаларга эришилгани, икки мамлакат муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан кайд этди.

Фахрий легион ордени 1802 йилда таъсис этилган. Францияда ушбу орден алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф этилиши ва шон-шарафнинг энг юқори белгиси ҳисобланади.

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шарафига давлат қабул маросимини уюштирди.

Қабулда Ўзбекистон ва Франция расмий делегациялари аъзолари, танисли маданият, санъат ва фан арбоблари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Эммануэль Макрон ва унинг рафиқаси Брижитт Макронга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, бугун бўлиб ўтган музокаралар тарихий аҳамиятга эга эканини, уларнинг натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан кайд этди.

Франция етакчиси бугун ўтказилган музокаралар натижаларини ва имзоланган битимларини олқишлади.

– Бир неча йил ичида биз энергетика,

сав ресурсларини бошқариш, коммунал хизматлар, транспорт, барқарор туризм каби муҳим соҳаларда узок муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттишга эришдик. Бунинг далили сифатида Франция ҳукумати ва Франция тараккият агентлиги кўмагида француз компаниялари Ўзбекистонга инвестиция киритаётгани, худудларда қўшилган қиймат ва иш ўринлари яратилаётгани, ёшлар касб ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топаётганини келтиришимиз мумкин, – деди Эммануэль Макрон.

Томонлар халқларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон – Франция ҳамкорлигини янада мустақамлашга қатъий интилишларини билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Францияга давлат ташрифи доирасида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Одри Азулени қабул қилди.

БМТ тизимидаги ушбу нуфузли тузилма билан самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, жорий йилнинг кузига Самарқанд шаҳрида ташкилоти Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Кўп қиррали шериклик бутунти кунда юксак даражада экани мамнуният билан кайд этилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан ахборотдан фойдаланиш ва болалар таълими масалалари бўйича резолюциялар қабул қилинди.

Мамлакатимиз Маданий бойликлари сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро шарҳга аъзо бўлди. Бухоро «Креатив шаҳарлар тармоғи»га қўшилди. Самарқанддаги Ипак йўли университетида ЮНЕСКО кафедраси очилди. Ўтган йили таълим, маданият, рақамли ва инновацион технологиялар соҳаларида 7 та янги лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Турон чўллари ва Зарафшон-Қорақум йўлиги, ипакчилик, қулоқчилик, рубоб чалиш ва ифторлик анъаналари, «Бухоро амираи девонхонаси архиви», «Туркистон альбоми», «Худойберган Девонхона фотоальбоми» ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатларига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд шаҳрида бўлажак Бош конференциянинг 43-сессияси сўнгги 40 йил ичида биринчи марта ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги қароргоҳидан бошқа жойда ўтказилади. Бу воқеа ташкилотнинг 80 йиллигига тўғри келади.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистон билан сермахсул ҳамкорликни юксак баҳолаб, бўлажак тадбирга кенг қўламли тайёргарлик қўрилатгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириди.

Амалий ҳамкорлик дастурларини янада кенгайтириш, шунингдек, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасидаги форум ва тадбирларни ташкил этиш бўйича янги ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи давом этмоқда.

ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 12 МАРТ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 20 738 ТАСИДА (56 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ўТКАЗИЛДИ.



ЕТАКЧИЛИК — КАТТА МАСЪУЛИЯТ ВА ИШОНЧ ДЕМАК!

БУГУНГИ КУНДА НАВОЙИ ВИЛОЯТИДА 1 МИНГ 509 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. УЛАР ўЗ САФИГА 270 МИНГ НАФАРГА ЯҚИН АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН. ШУНДАН 135 МИНГ НАФАРГА ЯҚИНИНИ АЁЛЛАР, 80 МИНГ НАФАРДАН ОРТИГИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Февраль ойидан Навоий вилоятидаги бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялар ўтказилиши шарт олдидан. Уларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши томонидан вилоят, шаҳар ва туманларда тармок касабаси уюшмалари тизимидаги бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотлари раислари иштирокида қатор ўқув-семинарлар ташкил этилди. Уларда иштирокчиларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг тизимидаги касабаси уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисидаги низом талаблари асосида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялар ўтказиш тартиби, қўмита раислари ва ўринбосарлари ҳамда аъзоларини сайлаш жараёнилари, ҳужжатларни расмийлаштириш, комиссия аъзоларининг вазифалари ва дублёрлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир аввалида Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Собиржон Эгамбердиев ва бошқа масъуллар тизимида олиб борилаётган ишлар ва касабаси уюшмаларининг 120 йиллиги юзасидан ўз фикрларини билдиришди. Сўнгра «Навоий ИЭС» АЖ бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотининг 2020 йилдан 2025 йилгача бўлган фаолияти ҳамда тафтиш комиссияси ҳисоботлари тингланди. Сўзга чиққанлар ўтган даврда ходимларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган ишларни эътироф этишди. Пировардида бошланғич ташкилотнинг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда бошланғич касабаси уюшмаси қўмитаси раиси сайловимга Олимжон Гафоров қайта сайланди.

«ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН»

«Navoiyazob» АЖда ўтказилган касабаси уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида бошқарув раиси Фаррух Самадов, Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Нигора Алимжанова, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тогаева ва ишлаб чиқариш цехларидан сайланган 192 на-

РАИСЛАР МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА САЙЛАНМОҚДА

Етакчилик асида катта масъулият ва ишонч демаски. «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖда ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияси иштирокчилари буни янада теранроқ англашди.

фар делегат иштирок этди.

Унда корхона касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Феруза Файзиевнинг 2020 йилнинг февралдан 2025 йил февралгача қадар ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Қайд этилишича, бугунги кунда корхона 8500 нафарга яқин касабаси уюшма аъзоларига эга. Сўнгги беш йилда ходимларнинг маиший шароитини яхшилашга 4 млрд. сўм ажратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатишга 1,9 млрд. сўм йўналтирилди. 5947 нафар кимёгарни корхонага қарашли профилакторийда соғломлаштиришга 18,7 млрд. сўм, 847 нафар ходим республика санаторийларида дам олишлари учун 2,6 млрд. сўм маблағ сарфланди. Оммавий маданий тадбирларга ажратилган маблағлар миқдори 14,1 млрд. сўмни ташкил этди. Тафтиш комиссияси ҳисоботидан сўнг фикр-мулоҳазалар тингланди.

Муқобиллик асосида бўлиб ўтган сайловда раисликка қўпчилик овоз билан Феруза Файзиева қайта сайланди. У ўз сўзида бундан кейин ҳам аъзолар ишончини оқлашини алоҳида таъкидлади. Тадбирда, шунингдек, касабаси уюшма қўмитаси ва тафтиш комиссияси таркиби, Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг IV Курултойига делегатлар сайланди. Иштирокчилар янги жамоа шартномасига киритилаётган ўзгартиришлар, тақлифлардан хабардор қилинди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб берилиб, келгусидаги фаолият юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

82 НАФАР РАИС БИРИНЧИ МАРТА САЙЛАНДИ

Ҳозирга қадар вилоятдаги 1509 та бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотидан 839 тасида (55 фоиз) ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари ўтказилди. Уларнинг 36 таси конференция шаклида ўтди. 82 нафар раис биринчи марта сайланди.

Назира ТОҒАЕВА,

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси

«Ўз-Часис» МЧЖ автомобилларга ёритиш қисмлари етказиб берувчи йирик ишлаб чиқариш корхонаси. Айтилган вақтда бу ерда минг нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Ўтган беш йил мобайнида жамоа шартномаси бўйича ходимларга шарт-шароитлар яратиш учун 93 миллиард 605 миллион 288 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланганидан ҳам уларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини билиш мумкин.

Жумладан, бепул иссиқ овқатга 13 миллиард 407 миллион 282 минг сўм, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасига 5 миллиард 101 миллион 394 минг сўм, ходимлар меҳнат таътилига чиқаётганда соғлиқларини тиклашлари учун 10 миллиард 632 миллион 521 минг сўм, махсус униформа учун 1 миллиард 144 миллион 457 минг сўм маблағ сарфланган. Корхонада ўтказилган ҳисобот-сайлов

«НОМЗОДГА ИЖКИЛАНМАДИК»



конференциясида бундай эзгу ишлар яна бир бор эътироф этилди. Шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Музокараларда касабаси уюшмаси қўмитасининг фаолияти қониқарли деб баҳоланди.

Ёлқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра, амалдаги касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Улуғбек Каримов яна раисликка сайланди. — Овоз беришда сира иккиланмасдан

биларга тоғдай таянч бўлиб келаётган Улуғбек номзодини танладим, — дейди ишлаб чиқариш бўлимидаги оператори Илхомжон Тожибоев. — У қачон қараманг, ишчи-ходимлар муаммолари билан юрган бўлади, ўзгалар ташвишини ўзиники каби қабул қилади. Бир етакчи бўлса, Улуғбек-чалчак бўлар...

Йиғилиш сўнгида Металлургия ва машинасозлик sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шоикром Исроилов олдинда турган вазифалар, касабаси уюшмаларининг 120 йиллигини нишонлашга оид фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Аҳмадилло АҲМЕДОВ,
Металлургия ва машинасозлик sanoati ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича маъсул ташкилотчиси

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Ишчи-ходимлар олдида иш берувчи ва касабаси уюшма қўмитаси ҳисоб берди. Икки томон ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий шериклик натижалари, 2024 йил якуни бўйича жамоа шартномасида қабул қилинган 330 банднинг бажарилиши бирма-бир шарҳланди. «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг «Сирдарё ИЭС» филиали меҳнат жамоаси навбатдаги конференцияда касабаси уюшмаси ташкилоти ўз вазифасини қай даражада уйдалаётганидан воқиф бўлди.

Иш берувчи томонидан жамоа шартномаси бажарилиши учун жами 95,2 миллиард сўм маблағ сарфлангани ва ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 48,2 миллион сўмдан тўғри келганининг ўзи корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол намунаси. Уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, талаб ва истакларини ўрганиш, саломатликларини, дам олишлари, билимларини ошириш борасида, оила аъзолари, соҳа ривожини устувор ҳисса қўшган меҳнат фахрийларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида амалга оширилган ишлар юзасидан корхона касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Камола Мусаева бирма-бир тўхтади.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижасига кўра, ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган 1552 нафар мутахассисга қўшимча ҳақ тўланадиган таътил берилиб, бунинг учун корхона ҳисобидан 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бўлган 125 нафар аёлга 4 қалендарь кундан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътилар, 1856 нафар ишчи-ходимга энергетика тизимидаги умумий иш стажини 3 миллиард 153 миллион сўм ва 698 нафар ходимга сменада ишлагани учун қўшимча таътилар берилди.

Касабаси уюшмаси қўмитаси иссиқ-совуқ кунларда хамиша ишчи-ходимлар ёнида. 60 нафар отага фарзанди туғилиши муносабати билан, 114 нафар ходимга никоҳ тўйлари, фарзандларининг тўйлари, 92 кишига яқин қариндошларининг дафн маросимлари учун қўшимча таътилар берилиб, маблағлар ажратилди.

Корхонада юқори малакали ходимларни рағбатлантириш, касб маҳоратини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришда асосий кўрсаткичларни бажарганлар муносиб тақдирланмоқда, юқори малакали раҳбарлар, мутахассислар ва ходимларга иш ҳақи миқдорига юқориловчи коэффицент қўлланилмоқда ва бу мақсад учун 17 миллиард 996

миллион сўм маблағ тўланган. Ишчи-ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, муносиб ва хавфсиз иш шaroити яратиш, дам олишнинг ташкил этилиши, жисмонан чиниктириш, фарзандларини дам олдириш борасида ҳам жамоа шартномаси бандлари тўқис бажарилган.


Корхона вилоят ва республика миқёсидаги қатор танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Жумладан, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллаган Дилфуза Рўзиковна оширилган ишлар юзасидан республика босқичида 2-ўрин соҳибасига айланган.

Ходимларни соғломлаштириш мақсадида касабаси уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан 163 дона йўлланма ҳарид қилинди.

Филал ходимлари ва оила вақтларининг бўш вақтларини маъмули ўтказиш учун Тошкент вилоятининг сўлим тўшаларидан бири «CRYSTAL RESORD» масканида 407 нафар ходим соғломлаштирилди. Энергетика тизимида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган ходимлардан 9 нафари «Дам олиш — даволатини — билим олиш — малака ошириш» йўналиши бўйича Россия Федерациясининг Кисловодск шаҳридаги «Ўзбекистон» санаторийсига жўнатилади.

Бу ерда турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш аниқланаётган. Уларни юқори руҳда ўтказиш учун эса ҳамма шарт-шароитлар муҳайё.

Конференцияда сўзга чиққанлар иш берувчи ва касабаси уюшмаси ҳамкорлигини юқори баҳолашди. Делегатлар томонидан жамоа шартномасининг 2024 йилда бажарилиши қониқарли деб топилиб, 2025 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.



Баҳор ХОЛБЕКОВА «ISHONCH»

Оламда БУГУН



Россия, Эрон ва Хитой ҳарбий кемалари «Денгиз хавфсизлиги камари — 2025» машғулоти доирасида шартли террористлар томонидан босиб олинган кемани озод қилиш амалиётини ўтказди.

Россия томонидан «Резкий», «Россия Федерацияси қахрамони Алдар Циденжапов» корветлари ва «Печенга» танкери иштирок этди. Ҳарбийлар кундузги ва тунги отиш машғулотларини ўтказди ҳамда палуба вертолётлари ёр-

РОССИЯ, ЭРОН ВА ХИТОЙ ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ АМАЛИЁТИНИ ўТКАЗДИ

дамда кемани излаш амалиётини бажарди. Машғулотлар 9 мартда бошланган бўлиб, уларда 15 та кема ва жанговар қатерлар иштирок этди. Амалиётда иштирок этган ҳарбий кучлар Эроннинг Чехбехар портига қайтиб келди.

Ямандаги ҳусийлар қуролли гуруҳи Қизил денгиз ва Араб денгизига Исроил савдо ва ҳарбий кемаларига ҳужумларни қайта бошлаганини эълон қилди. Бу ҳақда исёнчилар қуролли кучлари вакили Яхъё Сариа маълум қилди.

Тбилиси шаҳар суди Грузиянинг собиқ президенти Михаил Саакашвилини давлат маблағларини талон-торож қилиш иши бўйича тўққиз йиллик қамоқ жазосига маҳкум қилди.

Бу иш 2014 йилда кўзга ташланган. Тергов ҳулосасига кўра, Саакашвили ўз президентлиги давомида бюджет маблағларини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаган: кийим-кечак ва соатлар сотиб олган, ўғлининг ўқиши учун

ҲУСИЙЛАР ЯНА ҲУЖУМ БОШЛАДИ

Унинг сўзларига кўра, воситачилар инсонпарварлик ёрдами Газо секторига етказиб бериш учун назорат-ўтказиш пунктларини очишга уринган, бироқ тўрт кунлик ульгиматум муддати тугаган. Шу муносабат билан ҳусийлар маъруз ҳудудда барча Исроил кемалари ҳаракатига тақиқ жорий этмоқда. Бир қанча муддат аввал «Ансаруллох» ҳаракати раҳбари Абдул Малик ал-Хусий агар гуманитар йўлак очилмаса, 11 мартдан ҳужумлар қайта бошланиши ҳақида огоҳлантирган эди.



СААКАШВИЛИ ТўҚҚИЗ ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

тўлов қилган, косметик муолажалар, кимматбаҳо автомобиллар ижараси ва авиопарвозлар харажатларини қоплаган. Зиён ҳажми 3,2 миллион доллардан ошди. Хукм судья Бадр Кочламазашвили томонидан эълон қилинган. Шу иш доирасида Грузия давлат муҳофазаси махсус хизмати собиқ раҳбари Теймураз Жанашия ҳам айбдор деб топилиб, у 300 минг лари (тахминан 100 минг доллар) жарима

тўлашга мажбур қилинган. Саакашвили 2021 йил 1 октябрда Украинадан Грузияга қайтишдан сўнг хибсага олинган. У бешта жиноий иш бўйича айбланмоқда, улардан иккитаси бўйича у аллақачон сиртдан олти йиллик қамоқ жазосига хукм қилинган. 14 март куни эса унинг ноқонуний чегарадан ўтиш билан боғлиқ иши бўйича яна бир хукм эълон қилиниши кутилмоқда.

ЎЙИНЧОҚЛАР ОРТИДАГИ

ЎЙИНЧОҚЛАР

Ўйинчоқлар азалдан бола-жонларга қувонч улашиб келган. Тахлилларга қўра, улар боланинг жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Тўғри танланган ўйинчоқ боланинг атроф-муҳитга мослашишига, тафаккури, ижодий қобилияти ривожланишига ёрдам беради, шунингдек, боланинг гаджет ва телефонларга боғланиб қолишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бугун юртимизда ўйинчоқ ишлаб чиқариш саноати қай ҳолатда? Ўйинчоқлар учун амалдаги стандарт ва талабларга риоя қилиняптими? Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва хориждан келтириляётган ўйинчоқлар саломатлик учун хавфсизми? Бу борада назорат қай даражада?

СЕРТИФИКАТИ БОРМИ?

Мутахассисларнинг фикрича, республикада ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинган ўйинчоқлар амалдаги қонун, меъёр ва тартибларга мос бўлиши шарт. Бу талаблар ўйинчоқларнинг органолептик, механик, кимёвий ва физик кўрсаткичларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги қарори билан Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда болалар ўйинчоқларини хавфсиз ишлаб чиқариш ва сотиш талаблари белгиланган.

Одатда ўйинчоқлар қоғоз, картон, тери, металл, резина, пластмасса, мўйна, шиша, фарфор, тахта, фанер каби материаллардан ишланади.

Уларга ранг бериш учун турли бўёқлар ишлатилади. Ўйинчоқларнинг кирралари тегиш, мустаҳкамлиги юқори бўлиши керак. Негаки, ажралган майда бўлақларни болалар оғзига солиши ва ютиб юбориши мумкин.

Кейинги йилларда полимер ва пластмассадан ишланган ўйинчоқлар кўпайиб бормоқда. Бирок сифатсиз полимерлар фенол, формальдегид, фталат каби зарарли моддалар ажратиб чиқариши мумкин. Шу сабабли кимёвий воситаларнинг ҳавога ажралоши, сўлак таъсирида бўёқларнинг эриши, ўйинчоқ ҳиди ва овози даражаси белгиланган санитария нормаларидан ошмаслиги керак.

Хориждан олиб келинаётган ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар махсус лабораторияларда текширилиб, хавфсизлик сертификати эга бўлиши шарт. Сертификатга эга бўлган ўйинчоқлар болалар саломатлиги учун хавфсиз ҳисобланади.

Афсуски, кўплаб ота-оналар ўйинчоқ сотиб олаётганда дўкончилардан сертификат талаб қилишмайди.

«ЎЙИНЧОҒИМДАН ҚЎРҚАМАН»

Мақолани ёзаётганимда ўғлим билан боғлиқ бир воқеа ёдимга тушди. У чамаси уч-тўрт ёшда эди. Ўзи хархаша қилиб олдирган, аммо аниги иккинчи марта ўйнаб, кейин бутунлай қизиқмай қўйган ўйинчоғини қўлига тутказганимда, «Бу ўйинчоғимдан қўрқаман. Қаранг, кўзи билан тиши қандай хунук!» деди. Диккат билан қарасам, ростдан ҳам, у жуда қўрқинчли эди...

Бугун бозорга берсангиз, минг хил танлов каршида қоласиз. Совуқ қуроллар, хайбатли аждарлар, ялмоғиз кампирлар, турли маҳдудлар...

Хуллас, болажонлар ўйинчоқлардан қўрқмаслиги, аксинча, уларни кўрганда, ўйнаганда қувонishi керак.

Бола учун ўйинчоқ унинг эмоционал ва руҳий ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омилдир. Нотўғри танланган ўйинчоқ болада кўрқув, тушқунлик ва ҳатто руҳий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Айримларида бу вақтинчалик бўлса, бошқаларида жиддий муаммоларга сабаб бўлади, – дейди болалар психологи Дилдора Раҳимова. – Шунинг учун катталар танловда эътиборли бўлиши, адасмаслиги лозим.

НАРХИ ОСМОН, СИФАТИ ЭСА...

Афсуски, нафакат хорижий, балки ўзимизнинг ўйинчоқлар ҳам ҳамёнбоп эмас. Мисол учун, ҳамма жойда харидортир бўлган «Лего» анча қиммат.

Нархи қиммат бўлса-да, барча ўйинчоқларнинг мустаҳкамлиги ва хавфсизлиги талабга жавоб бермайди. Афсуски, жаҳон бозорларида сотилаётган ўйинчоқларнинг 60 фоизи назорат қилинмас экан. Бу эса уларнинг болалар саломатлиги учун хавфсизлигини ҳам савол остига қўяди.

Ўйинчоқлар савдоси даромадли бизнеслардан бири. Тахминларга қўра, 2025 йилда дунё бўйича ўйинчоқ бозорининг умумий ҳажми 133 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Хар йили жаҳонда 3 миллиарддан ортиқ ўйинчоқ ишлаб чиқарилади ва сотилади. Ким биледи, бу рақамлар ортида сифатсиз, саломатлик учун хавфли бўлган ўйинчоқлар қанча экан?

ЭКСПОРТДА ХАМ, ИЧКИ БОЗОРДА ХАМ МУАММОЛАР КЎП

Мамлакатимизда ўйинчоқ ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқ ва муаммолар ҳақида тadbиркор, «Той бола» бренди асосчиси Анвар Абдуқано м кўйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати ва эътибори туфайли юртимизда тadbиркорлик кенг ривожланди, ҳусусан, ўйинчоқ ишлаб чиқариш соҳаси ҳам. Илгари юртимизда 30 га яқин ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхона бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 100 га етиб қолди. Миллий брендлар шаклланди, махсуслаштирилган сифати ошди, бозорда рақобатбардошлик кучайди. Шу билан бирга, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Лекин сезиларли ўсиш кузатишмоқда. Лекин сўнгги пайтларда муаммолар ҳам пайдо бўлди.

Ўтган йилнинг сўнгги чорагида жаҳон иқтисодиётида кузатишган инқироз бизга ҳам таъсир қилди. Оқибатда экспорт ҳажми кескин пасайди. Ҳозир фақат МДХ давлатлари ҳамда Руминия, Болгария ва Польшага махсус экспорт қилияптимиз. Бирок Европага қишда жиддий муаммолар бор. Илгари экспорт масофаси 5000 километрдан ошса, давлат логистика харажатларининг 50 фоизини қоплаб беради.

Бу имтиёз бекор қилинди. Шунинг учун Хорватия, Македония, Греция каби давлатларга режалаштирилган экспортлар тўхтаб қолди. Беларусь ҳам махсуслаштирилган этиб бормаяпти.

Биласизми, илгари биз фойда солиғи тўлашмасдик ва шу боис махсуслаштирилган минимал даражада ушлаб турардик. Бу эса бозорда рақобатбардошликни таъминларди. Аммо ҳозир 15 фоиз фойда солиғи жорий этилган. Натижада ўйинчоқ нархлари ошиб кетди. Шунингдек, ички бозорда савдо кескин қамайди.

Бугун кўпчилик қарз ва кредитга боғланиб қолган. Бу ҳам бирламчи эҳтиёж ҳисобланмайдиган махсуслаштирилган маҳсулотлар, масалан, ўйинчоқлар савдоси пасайишига сабаб бўлмоқда. Қисқаси, экспортда ҳам, ички бозорда ҳам муаммолар кўп.

– Хитой ўйинчоқлари бозорга қандай таъсир кўрсатмоқда?

– Жаҳон савдо ташкилоти талабларига қўра, импорт махсуслаштирилган бож тўлов дeяри бекор қилинди. Бу эса Хитой ўйинчоқларининг юртимиз бозорини тўлиқ эгаллашига олиб келмоқда. Хитой корхоналари биздан молиявий жиҳатдан қудратли. Улар махсуслаштирилган экспорт қилиш учун фoизсиз кредит олишади. Шунингдек, улар юртимизга келиб, фирма очиб, бир йил давомида ҳеч қандай солиқ тўлашмасдан даромад қилишади. Бир йилдан сўнг эса фирмани ёпиб, ўз юртига кетишади.

Хитойликлар бизнинг бозорни тўлиқ эгаллаш, аниқроғи, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қосдага уратиб мақсадида демпинг сиёсатидан фойдаланишмоқда. Яъни сўнғий арзонлаштириш орқали ўзларига 1 доллар турган ўйинчоқни ўзбекистонда ярим нархида сотишапти. Юртимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳали ривожланиб улгурмасдан туриб, бозорда рақобат қилиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда.

Бугунги кунда дунё бўйича ўйинчоқ ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий улуш Хитойга тегишли.

Мен ўйинчоқ бизнесига инвестиция киритдим, «Той бола»дан кўрган фойдамни ҳам шу соҳага йўналтириб, янги дастхотлар сотиб олдим. Ишлаб чиқариш биноларини кенгайтирдим, кўплаб янги иш ўринлари яратдим. Аммо бугун вазият тубдан ўзгарган. Оқибатда махсуслаштирилган ҳажми қамайиб, иш ўринлари кискариб бормоқда.

Ҳукумат ҳамда тегишли мутахассислар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини кўриши керак. Акс ҳолда, ўзбекистонда ўйинчоқ ишлаб чиқариш саноати инқирозга юз тутиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтар сўзимиз шу:

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг муаммолари кам, ютуқлари кўп бўлсин. Болажонларимиз иложи бўлса, ҳаммаша миллий ўйинчоқларимизни ўйнаб ўссин! Миллийликка нима етсин?!



Феруза ПАХИМОВА «ISHONCH»



ДАДАХОН ҲАСАНОВ: ТҮЙДА ОЛОМОННИ ЎЙНАТГАН ОДАМ САНЪАТКОР БЎЛИБ ҚОЛАВЕРМАЙДИ

БИР ВАҚТЛАР «ТУРКИСТОН БУЛБУЛИ» ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ТАНИҚЛИ ҲОФИЗ ВА ШОИР ДАДАХОН ҲАСАНОВ ХОНАДОНИДА БЎЛИБ, У БИЛАН МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК, САНЪАТКОР ЗИММАСИДАГИ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАШДИК.

– Дадахон ака, халқимиз сизни ижтимоий-сиёсий муаммоларни қўшиқ қилган муаллиф – ҳофиз сифатида яхши билади. Қачондан қўшиқ айтишни бошлангансиз?

– Барчаси болаликдан бошланган. Санъатга қизиқимга акам – Алижон Ҳасанов сабабини бўлган. У киши катта қўшиқчи эди. Таваккал Қодиров, Расулқори Мамадалиев, Мамъуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовларнинг барчасини устоз деб билганман. Болаликдан уларнинг қўшиқларини ёдан айтардим, бироқ ҳеч кимга шогирд тушмаганман.

– Машҳур қўшиқингиз «Лайло»нинг яратилиши тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз...

– Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи билан қиёматлик дўст эдик. 1-курсда ўқиб юрганамизда битта хонада яшардик. Иккаламиз ҳам бадий ҳаваскорлик тўғрисида катнашардик. Бир куни у қўлимга шеър тутказиб, «Шуни қўшиқ қилса бўладими?», деб сўради. Ўқидим, шеър зўр, сарлавҳаси: «Яна пайдо бўлдим йўлингда». Уни ўша сўринг ўзида куйга солиб, айта бердим. Шу-шу қаерда бўлсақ, айниқсан, талабалар пахтага борганда шу қўшиқни қайта-қайта сўрайдиган бўлишди. Бир куни «Лайло»ни ёзиб оламиз,

деб радиодан мени кидириб келишди. Битта рубоб, доира ва скрипка билан қўшиқни ёздик. Халққа ёқди, шов-шув бўлди. Қўшиқ Рауфга ҳам жуда манзур бўлган эди.

– Ўз даврининг хит қўшиғига айланган «Лайло» билан боғлиқ 1970 йиллардаги мижозларга нималар сабаб бўлган?

– Сабабини билмайман, ашуланинг душмани кўпайди. Қўшиқ радиода ҳам берилмай қўйди. Бастакорлар «ҳаммаёқни «Лайло» босиб кетди, бизнинг қўшиқларни ҳеч ким эшитмаяпти», деб Шароф Рашидовгача боришдан экан. У киши «Сизлар ҳам Дадахон Ҳасанов даражасида ижод қилингизлар, ана ўшанда машҳур бўласизлар», деб жавоб берган экан. 1986 йилда қўшиқни қайтадан ёзганмиз. Ҳозир архивдагиси иккинчи «Лайло»...

– Биринчи ва иккинчи «Лайло» ўртасида қандай фарқ бор?

– Албатта, биринчи ижрода ҳофиз бўлиб етишмаган, ёш ва ҳаваскор, ҳали талаба эдим. Кейингида профессионаллик, оҳанг ва овоздан керакли даражада фойдаланилган. Очиги, ўзимга ўша биринчи ижро ёқди. Нега дейсизми? Ешлик, йигитлик пайти инсоннинг ўзи

ҳам, овози ҳам пок, беғубор бўлади. Гап камчиликларда эмас, бир рубоб, бир доира ва бир скрипка билан ёзилган бўлса-да, ҳаммаси ўша беғуборликда.

Ҳозиргача айримлар «Лайло»ни севганмисиз, ким у?», деб сўрайди. Йўқ, Рауф уни ўз суйганига атаб, «Мен Мажнунман, сен эса Лайло» дея ёзган. Лекин тан оламан, қўшиқни хар гал ўз ёрим учун айтаётгандек ижро этардим. Дўстимнинг қалбиди армонларини ҳаммаша хис қилиб қуйлардим.

– Сиз қўшиқ қуйлаб, поездин тўхтаб турган экансиз. Шу ростми?

– Шундай бўлган. Жиззахдан қайтаётганда вокзалда тўхтагандик. Поезд келгач, ундан тушган одамлар мени таниб қолиб, қўшиқ талаб қилишди. «Лайло»ни айтдим, тахминан 200-300 чоғли одам йиғилди. Поезд кетадиган вақт аллақачон бўлган, лекин вагонлардан одамлар тушиб, атрофимни ўраб олишганди. Кейин машинаслар ҳам келди. Тўхтагани десам, йўловчилар қайта-қайта «Лайло»ни сўрашади. 7-8 марта айтдим. Шу вақтда поезд тўхтаб турган...

– Сизнингча, ҳозирги ёш қўшиқчиларда сўзинг маъносини хис қилиш қай даражада?

– Тўйда оломонни ўйнатган одам санъаткор бўлиб қолавермайди. У шу халқнинг дардини қуйлаши керак. Чиройли шеър ёзиш ҳаммининг ҳам қўлидан келади. Лекин ҳақиқатни ёзиш, одамлар ичидаги нарсани айтиш бошқа. Санъаткор Ватанини, Миллатини севиши лозим. Ҳозирги ёшларга айнан шу, яъни халқ дардини қуйлаш етишмайди.

– Ҳақиқатни қуйлаганингиздан афсусланган пайтларингиз ҳам бўлганми?

– Ҳақиқатни айтиб, кўп муаммога йўлиққанман. Бирок мен кўнглимга келган ишни қилдим ва бундан ҳеч қачон афсусланмайман. Айтганимдек, тўйда пул топиш санъаткорнинг асл мақсади бўлмаслиги керак. Даврадагилар нимани истаётганини сезмасангиз, қўшиқингиз халқнинг юрагига етиб бормайди.


– Халқни севиш, унинг дарди билан ёниш учун киши қандай хислатларга эга бўлиши лозим?

– Шу юртининг фарзанди бўлиши керак, холос.



Сайдқамбар МҮМИНОВ суҳбатлашди

Азиз газетхон! Мароқли дам олинг!



Дадахон Ҳасанов ижросида «ЛАЙЛО» қўшиғи

Балки ўчган эдим ёдингдан, Ширин хаёлингни буздимму... Лайло! Лайло! Сенинг ёнингда, Бир дам кўрмоқчийдим ўзимни.

Рауф Парфи шеъри

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5000. «Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarі tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrobo RAFIQOV, Shoqosim SHIOLOMOV, Hamidulla PHIRMOULOVI, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»). Bosh muharrir Husan ERMATOV. Bo'limlar: Kasaba uyushmalarі hayoti – (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43, Marketing va obuna – (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalp'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12, Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66, Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Navbatchi muharrir: G'. Mirahmedov. Musahhihlar: D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova. Sahifalovchi: H. Abdullajilov. Bosishga topshirish vaqti – 08:30. Topshirildi – 09:00. Bahosi kelishilgan narxda. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Nashr ko'rsatkichi: 133. Umumiyy adadi 32 463 ta. Shundan: 6 275 nusxasi «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda; 18 277 nusxasi «Erudit» MCHJ boshmaxonasi – Samarqand shahri, Sptimen ko'chasi, 270-uyda; 7 914 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazetaning poligrafik jiҳatdan sifatli chop etilishiga boshmaxona mas'ul. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-311. 1 2 3 4 5 6